

# ИШОНЧ

44

1993 йил  
30 октябрь  
5 ноябрь  
[137]

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## КЎМАКДОШЛАР

«— Ўзбекистонда ҳозир ҳамма пахтакор! Чунки пахта давлатимиз иктисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳар бир фуқаронинг турмуш, фаровонлигини юксалтиришда бебаҳо неъмат, тўкин-сочинлик манбаидир!» дейилади Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг республикадаги барча қасаба уюшмаси фаолларига мурожаатида. Дарҳақиқат, халқимиз фахр-ифтихор туйғуси билан «ок олтин» деб атайдиган, неча ўн йиллардан бери Ўзбек дехқонининг асосий экини ҳисобланиб келинган пахтанинг ҳосиятини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Бинобарин, Наманган вилоятидаги барча қасаба уюшмалари ташкилотлари ҳамда фаоллари Мурожаатни юксак кўтаринкилик ва кизгин маъқуллаш билан кутиб олдилар, унга амалий жавоб қайтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши катта аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжатни барча бошланғич ташкилотларда ишлаб чиқиш учун махсус хат тайёрлади ва уни жойларга етказишнинг таъминлади. Халқимиз ҳаётида муҳим палла ҳисобланган йигим-терим мавсумини муваффақиятли таъминлаш мақсадида куйи ташкилотлардан тортиб то тармок қўмиталари ва қасаба уюшмалари кенгашигача гоят катта меҳнат билан етиштирилган ҳосилнинг бир миқдорини ҳам нест-хосил бўлишига йўл қўймасдан йиғиштириб олиш юзасидан тегишли тадбир ишлаб чиқилиб шу асосда иш юритилмоқда. Чунки, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ҳайъати томонидан шу мазмунда қабул қилинган ҳужжатда дала ишларини юксак ташкилий вазиятда ўтказишига эришиш, жумладан, теримчилар учун зарур ҳамма шарт-шароит яратилиши, тушлик овқатнинг бепул, тунги сменада ишлаётганлар учун кечки таомнинг ҳам текин бўлишига эришилишини кузатиб бориш масаласига алоҳида эътибор берилган. Вилоят бўйича дала шийпонлари бошланғич қасаба уюшмалари диққат эътиборида. Кўчма яслилар фаолияти, дам олиш хоналари, теримдан бўш пайтларда мириқиб хордик чиқарилишига

эришиш, ҳашарга келган шахарликлар, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари талабаларига қулайликлар яратилиши қатъий назорат остида.

Мавсумга мўлжаллаб тузилган тадбирда қасаба уюшмалари кенгаши вилоят ҳокими билан қўл терими илғорлари меҳнатини рағбатлантириш ва тақдирлаш юзасидан кўчма қарор қабул қилди. Бу қарорга кўра пахтани энг кўп ва сифатли терган кишилар машҳур теримчи Тожихон Асқарова номидаги диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Қасаба уюшма ташкилотлари ва улар атрофига уюшган фаоллари кишлоқ фуқароси ҳамда ҳашарчилар хусусида бош қотириш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шонли иккинчи ёши нишонланган 1993 йилда уйилдиган юксак пахта ҳирмониға бевосита ҳисса қўлишни фахрли бурч, шон-шараф иши, деб билмоқдалар. Ҳар қачонгидек бу йил ҳам вилоят қасаба уюшмалари кенгаши жамаоиси аъзоларидан 15 кишилик зарбдор гуруҳ қўлқуварлар маъкани Задарё туманидаги Амир Темури номидаги жамоа ҳўжалиги далаларида жавлон урмоқда. Улар кучгайрати билан ҳар куни 700—800 килограмдан пахта терилипти. Комилжон Сотиболдиев, Зафаржон Ҳайдаров, Тоҳиржон Иномов, Тожиддин Жўнаев каби ҳашарчи фаоллар кунига эл хирмонига 50—60 килограмдан ҳосил териб тўкмоқдалар.

— Зарбдор туруҳдан ташқари бутун жамоамиз Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг республикадаги барча қасаба уюшмаси фаолларига Мурожаатига амалий иш билан жавоб қайтариш учун дам олиш кунлари Тўрақўрғон райони далаларига чиқиб кишлоқ меҳнатқашларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар, — дейди суҳбатда кенгаш раисининг ўринбосари Абдубанно Ғаниев. — Умуман, биз бу йил теримчиларга зарур шароит яратилиши учун ҳаракат қилиш билан бир вақтда камидан 80 тонна «ок олтин» теришига бел боғдаганмиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## Хабарлар мағзи



● 1993 йилнинг 1 ноябрдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқарди.

Фармонга кўра иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 16.200 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,2 барабар оширилди. Меҳнат пенсияларининг энг оз миқдори ойига 17550 сўм қилиб белгиланди, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсиялар миқдори 1,2 барабар оширилди.

Олий ўқув юрлари талабаларининг, техникум

лар ва ҳунар-техника билим-юрлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам 1,2 барабар кўпайтирилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов Франция Президентини Франсуа Миттераннинг таклифига биноан давлат таширифи билан Францияда бўлди. Ташириф чоғида ўзаро музокаралар бўлиб ўтди, муҳим ҳужжатлар имзоланди.

● БУХОРО вилояти пахтакорлари республикада иккинчи бўлиб давлатга пахта соғиш юзасидан режаларини бажардилар. Ватанимиз хирмонига 360 миң тонна пахта топширган бухороликлар умумий ҳосилни 400 миң тоннадан ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

● ҚАШҚАДАРЕЛИК пахтакорлар ҳам, 470 миң тонна «ок олтин»

етиштириб йиллик режани муддатидан илгари адо этдилар. Улар 500 миң тонналик хирмон яратишга аҳд қилдилар.

● ДАВЛАТГА 215 миң тоннадан ортиқ шолитопширган Қорақалпоғистон республикаси шолиторларига мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов табрикнома йўллади.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 ва 1993 йил ҳосилидан олинган пахта толасини соғишни тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● САМАРҚАНДДА «Имом-ал Бухорий ҳўти ва даври» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда АКШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Хиндистон, Миер, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлардан келган олим уламолар иштирок этдилар.



Ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг сифатига эътибор беришнинг аҳамиятини билган жонқуяр кишилар орамизда кўплаб топилади. Урта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи М. Турдалиева билан С. Видановалар шулар жумласидандир. Бирлашмага қарашли «Вертикал» корхонасида олий сифатли махсулотлар тайёрланишда уларнинг ҳиссаси катта.

Суратда: ҳамкасблар М. Турдиева билан С. Видановалар махсулот сифатини синчковлик билан кўздан кечиришмоқда.

Аҳмад ДАВРОН олган сурат.

ОБУНА — 94

## «ИШОНЧ» КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙДИ

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиғи «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

(нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна соғи

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в.	жойи
------	------

(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

обуна  
лиғи май-  
июлга  
юбориш

баҳоси

баҳоси

обуна соғи

сум

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



БОЗОР шароитида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан кафолатли ҳимоялаш, уларнинг сихат-саломатлиги ва ҳаётини эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг касаба уюшма фаоллари билан ўтказган учрашувида бу масала қайта-қайта тилга олинганлиги бежиз эмас. Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кўмитасининг кундалик иш фаолиятида педагоглар, ўқувчилар, талаба ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутди. Чунки саломатлик — бу аввало хуш кайфият, юкори иш умуми ва ҳоказолардир.

Мустақил давлатимизга бугун етук малакали кадрлар керак. Уларнинг онги ва характери эса асосан мактабда шаклланади. Шунинг ҳисобга олиб, билим ўчоқларига эътиборни кучайтиряймиз. Тармоқда 731 бошланғич, 31 та цех, 546 та гуруҳ касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Улар ўз ишларини республикамизда қабул қилинган «Соғлом авлод учун» дастурига мувофиқлаштириб олиб бораётдилар. Бу, шубҳасиз ўзининг муайян самараларини бераётди. Вилоятда тармоққа қарашли 3 та санаторий-профилакторий бўлиб, уларда ҳар йили ўртача 2—2,5 минг киши дам олиш имкониятига эга. Жорий йилнинг биринчи ярмида 1174 нафар педагог ҳамда талабалар ана шу оромгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтишди.

Олдимизда турган вазифалар маъсулиятли. Тармоқдаги ходимларнинг асосий қисми кишлоқ жойларида истиқомат қилишади. Шунинг назарда тутиб туманлар ҳудудида соғломлаштириш масканлари тизимини кенгайтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Олот туманида барно этилаётган оромгоҳ учун кўмита жамғармаси ҳисобидан 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Йил охиригача яна 2 миллион сўм пул ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Ромитан, Гиждувон туманларида ҳам ана шундай хайрли ишлар

олиб борилмоқда. Бундан ташқари вилоят ҳудудида 216 ўринли янги санаторий жадал қад ростлаяпти. Халқ таълими ходимлари учун мўлжалланган мазкур оромгоҳда барча қулайликлар яратилади. Бунёдкорлик ишларини маблағ билан таъминлашда вилоят ҳокимияти ҳамда касаба уюшмалари вилоят кенгаши катта амалий ёрдам кўрсатаётдилар.

Тасарруфимиздаги олий ўқув юртиларида 57 мингдан зиёд касаба уюшма аъзолари ўқиб, меҳнат қилишади. Жойлардаги бошланғич ташкилотларимиз уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда сихат-саломатлиги йўлида барча имкониятлардан фойдаланаяпти.

## СОҒЛОМ ЭЛНИНГ БАҒРИ БУТУН

лар. Айниқса ўқитувчилар малакасини такомиллаштириш олийгоҳида тўпланган тажриба диққатга молик. Олийгоҳга қарашли санаторий-профилакторийда бир ярим йил ичида 1000 га яқин кишлоқ зиёкорлари ўз саломатликларини тикладилар.

Албатта, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Замон ўзгариб, биз кўниккан тамойиллар эскирди. Эндликда ҳамма нарса янгича талаб, янгича мезон билан ўлчанаёпти. Фикримча, санаторий-профилакторийлар тўғрисидаги Низом, штатлар, муддатлар, овқатланиш меъёрлари қайтадан кўриб чиқиши керак. Бу — ҳаёт талаби. Оромгоҳларда даволаниш асосан касаликларнинг олдини олишга қаратилганини назарда тутиб, унинг муддатини 21 кундан 15 кунга қисқартириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Ана шунда кўпроқ кишини соғломлаштириш имкони туғиларди.

Гапни узокрок бошлайдиган

бўлсам, тармоқ ходимлари саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тадбирлар вилоят касаба уюшма кўмитасининг 1991 йил октябр ойида бўлган йиғилишида кўриб чиқилиб тасдиқланган эди. Ўтган икки йил биз учун ўзига хос синов ва изланишлар даври бўлди. Очиғини айтганда қилинган ишлардан ҳали қилинмагани кўп. Ез ойларида мавжуд санаторийлардан кўпгина фойдалана олмаёلمиз. Маълум маънода бунга иқтисодий танглик ҳам сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, йўланма масаласи оғир. Чунки оммавий таътил ойларида кам ажратилади ёки бизга кечикиб келади. Шу бондан

кўрсатиб турди. Таътил давомида таълим-тарбия, озиқ-овқат таъминоти ва бошқа масалалар бўйича ота-оналардан биронта ҳам шикоят тушгани йўқ. Бу биз учун кўнгилли, албатта.

Маълумки, мактабдоли оромгоҳлари республикамизда янгилик эмас. Лекин уларга етарли даражада эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Оромгоҳлар ишини йўлга қўйишда бутун оғирлик мактаблар зиммасига тушаётди, уларнинг кўпида бунинг учун оддий шарт-шароит ҳам йўқ. Уйинчоқлар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, кўрпа-тушаклар етишмайди. Тиббий хизмат савияси паст. Болалар кўрпа-тушакларни уйларида олиб келади. Ҳўш, сауна, чўмилиш ҳавзалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бундай ахволда тарбиядан қўзланган мақсадга эришиш мумкинми?

Биз ўз иш тажрибамиздан келиб чиқиб, қуйидаги масалаларни биринчи навбатда ҳал этиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

— Мактабдоли оромгоҳлари тўғрисида тегишли Низом ишлаб чиқиш, унда манфаатдор ташкилотларнинг мажбуриятларини, контингент ва штатлар жадвалини белгилаш;

— маданий ва спорт жиҳозларини олиш учун бюджет ёки ташкилотлар ҳисобидан зарур миқдорда маблағ ажратиш;

— ҳар бир шаҳар ёки туманда дислокация жойини аниқлаш, кадрлар ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилаш, дам олишни ташкил этиш бўйича комиссиялар тузиш.

Бу каби тадбирлар ҳақида ҳозирдан ўйлаш керак. Чунки эртага кеч бўлади. Етилган муаммоларни манфаатдор ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари орқалигина ҳал этиш мумкин. Зеро ёш авлод тарбияси ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

Е. ГОЛЬДМАН.

Халқ таълими ва фан ходимлари Бухоро вилояти касаба уюшмаси кўмитасининг раиси.

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«Ишонч» газетасига обуна бўлишни истасангиз билиб қўйинг. ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН — унинг йиллик обуна нархи 4164 сўм (нашр кўрсаткичи — 64560).

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН эса йиллик обуна нархи 9888 сўм (нашр кўрсаткичи — 64561).

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

#### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилди.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатсиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исминини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.» — «жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

## ФАН ФИДОЙИЛАРИ БАЙРАМИ

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг ташкил топганига 50 йил тўлди. Бу орада улғу даргоҳ илм-фан соҳасидаги йирик алломаларнинг бебаҳо меросини қидириб топди, рўйхатдан ўтказиш билан бирга илмий тадқиқот ишларини кенг қўламада амалга оширганлиги барчага маълум.

Ҳозир ҳам кўплаб олимлар, қобилиятли ёшлар, илм-фан борасида айтса арзигулик ишларни рўёбга чиқармоқда. Бирок уларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам етарлича кўмак бериш лозимлигини таъкидлаймиз. Бу борада айниқса касаба уюшмалари шугулланмоғи зарур.

Академия касаба уюшмаси ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда республикамиз Президенти касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда сўзлаган нукти ва кўрсатмаларига таянмоқда. Ислохотларни амалга оширишда юртбошимиз илгари сурган беш тамойил биз учун ҳам муҳим дастур бўлаётди.

Кўмитамиз бир неча йўналишларда фаолият юритади. Чунончи, меҳнат ҳақи, унинг кафолати ва тўлови; ходимларни иш билан таъминлаш, ишга ёллаш ва хизматдан бўшатил; касбга тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; иш вақти ва дам олиш муддатини белгилаш; меҳнат ҳавфсизлиги ва саломатлик муҳофазаси, ижтимоий-манший масалалар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Шунинг мамнуният билан айтиш керакки, ходимларимиз манфаатларини ҳимоя этиш масаласида ҳамкорлик қилиш ва бу соҳада чет эллар билан тажриба алмашиш мақсадида 1992 йилдан эътиборан кўмитамиз илмий ходимлар халқаро Федерациясига аъзо бўлди. Бу муҳим воқеа Париж шаҳрида бўлиб ўтган кенгаш ҳужжатларида қайд этилган. Ҳозир 220 ўринли мактабгача тарбия муасса-

саси — «Гунча» болалар комбинати, Академиянинг 450 ўринли иккита шифохонаси ишлаб турибди. Шаҳримиздаги «Нихол» ва Бўстонликдаги «Юбилейний» болалар соғломлаштириш лагерларида ходимларимизнинг 1200 нафар фарзандлари дам олмақда. Айниқса, «Бурчмулла» дам олиш масканининг ишга туширилиши, академиямизнинг 50 йиллик байрамига яхши тухфа бўлди. «Олимлар уйи» ва Ядро физикаси институтидаги Маданият саройида мусика, чет тилларни ўрганиш, санъат ва бошқа тўғараклар мунтазам ишлаб турибди.

Спорт, жисмоний тайёргарлик ва соғломлаштириш масалалари ҳам эътибордан четда эмас. Бу борада «Умид» маданий спорт комплексининг хизматини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу икки йил мобайнида иккита йирик уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Яна битта уй битиш арафасида.

Фанлар академияси ходимлари соғлигини сақлаш бўйича қилинаётган ишлар бевосита дам олиш ва даволалар санатория-курортларини такомиллаштириш билан боғлиқ. Ҳар йили беш юзтага яқин ходимларимиз хушманзара ва барча қулайликлар билан санаторияларда дам олмақда.

Ўзбекистон Фанлар академияси ярим асрлик тўйини нишонланиши барча фан ходимларга бўлган катта эътибордир. Бу уларнинг назарий тадқиқотларини амалиёт билан боғлашга, фан ютуқларини халқ ҳўжалигига тўлароқ жорий қилишни жадаллаштириш йўлида олиб борадиган ижодий фаолиятларида янги куч-ғайрат бағишлайди. Юксак фан чўкқилари сари парвозлар бахш этади.

Иброҳим АБДУҒАНИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кўмитаси раиси.



Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маслаҳатчиси Шухрат Сайфиддинов, ҳуқуқий назоратчиси Надежда Ивановна Ефимова, меҳнаткашлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг референти Аббор Муҳидовлар жавоб берадилар.

*Мен уй бекасиман. 5 та фарзандим бор. Кичик қизим шу йил 21 январда туғилган. Шу кенжа фарзандим оиламизга меъёрлашган тартибда бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларини олишга ҳақлими? Қишлоқ кенгаши бешинчи фарзандимни маҳсулот олишда талонга қўшилади деса, Рабкооп идораси «қўшилмади» деяпти. Шунинг учун биз оиламиз бўйича олти жонгагина маҳсулот олаёلمиз. Шу тўғрими?*

**Р. ШОЙМАНОВА,**  
Самарқанд вилояти, Қўшрабод туманидаги Очил Қодиров номидаги давлат хўжалиги, Янгиробот қишлоғи.

биноан меъёрлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари оиладаги ҳар бир жонга, унинг ёшидан қатъий назар берилиши белгиланган.

Янги туғилган фарзандингиз ҳақидаги маълумотнома ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани оилангиз бириктириб қўйилган магазинга такдим этишингизни тавсия этамиз. Магазин раҳбари мазкур ҳужжат асосида кенжа фарзандингизни оила варақасига киритиши лозим. Сиз микдордаги маҳсулотларни етти жон учун олишингиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 6 мартда чиқарган 59-сонли қарорига

*Мен Ички Ишлар Вазирлиги таркибида салкам 28 йил хизмат қилиб пенсияга чиқдим. Унвоним майор. Менга қандай имтиёзлар берилиши мумкин? Жумладан уй-жой масаласида, санаторийда даволаниш, камёб моллар билан таъминланиш, моддий ёрдам олиш ва ҳоказо соҳаларда энгилликлар бериладими? Оилада бешта фарзандимиз бор. Ҳар бир болага 1000 сўмдан нафақа ҳамда 20 фоиз район коэффиценти тўлашяпти. Лекин Президентимизнинг Фармонида асосан ҳар бир болага 1250 сўмдан тўланиши керак эмасми?*

*Хизматдаги ходимларнинг ойлик маошлари йил бошидан буён бир неча марта оширилди. Шунга кўра пенсионерларнинг нафақаси ҳам ошиб бораяптими? Масалан, неча фоизга?*

*Рафиқам ёш болаларга қараб туришга мажбур бўлганлиги учун 1988 йилда ишдан бўшаган эди. Фарзандларимиз 8 ёшга тўлгунгача рафиқамнинг болаларга қараб ишсиз юрган вақти иш стажига кирадими?*

**Т. ҲАЙДАРОВ,**  
Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалиги.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги таркибида ишлаб пенсияга чиққан оддий ходим ёки раҳбарликка оид шахслар мазкур муассаса шифохонасининг тиббий хизмат кўрсатишидан фойдаланадилар, уларга санаторий-курортларда даволаниш учун бериладиган йўлланмалар 25 фоизга арзон нархда сотилади.

Бундай шахсларга, ички ишлар ташкилотлари соҳиб ходимларининг ҳар бирига пенсия олаётган жойдан моддий ёрдам кў-

сатилади. Уй-жойлардан, коммунал хизматлардан фойдаланишдек имтиёзлар бундай тоифа пенсионерлар учун жорий қонунларда кўзда тутилмаган.

Болаларга бериладиган нафақалар бизнинг республикамизда 1991 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 мартда чиқарган «Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабатлари билан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоралари ҳақида»

ги қарорига биноан кўпайтирилган. Жумладан бир ярим ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун ойига 80 сўм қилиб, 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар, (ўқиётган, стипендия олмаётган 18 ёшгача бўлган болалар) учун ойига 40 сўм қилиб белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан бу нафақалар 1992 йилнинг 1 октябридаги 1,5 марта, 1993 йилнинг 1 июнидан бошлаб 2 марта оширилди.

Шу йил бошидан буён ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари оша бориши билан бир қаторда барча турдаги пенсиялар микдорини ҳам ошириш юзасидан йил давомида Президентимизнинг бешта фармони эълон қилинди. Натижада пенсиялар шу йил 1 январдан 1,25 баробар, 1 апрелдан 1,3 баробар, 1 июндан 2,5 баробар, 1 июлдан 1,5 баробар, 1 сентябрдан 1,2 баробар оширилди.

Ҳозирда ёш бўйича меҳнат пенсиясининг энг кам микдори ойига 14625 сўмни ташкил этаёпти 1 ноябрдан эса 17550 сўм бўлади.

Кичик ёшдаги болалари бўлиб ишламаётган оналарнинг боласига 3 ёшгача қараб турган вақти иш стажига ёзилади. Лекин умумий ҳисобда у 6 йилдан ошмаслиги керак.

*«Ишонч» газетасининг шу йил 20-сонида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан 12 ёшгача 7 ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган оилаларга яшаб турган уйлари қайси идорага қарашлигидан қатъий назар бепул қилиб берилди, дейилган.*

*Хоразм вилоятида чиқадиган «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 1992 йил 20 август сонида босилган материалда айтилишича Президент Фармони бўйича 18 ёшгача 7 ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган оилаларга яшаб турган уйлари қайси идорага қарашли эканидан қатъий назар бепул мулк қилиб берилди, деб айтилади. Буларнинг қайси бирига ишонайлик? Шунинг тушунириб беришингизни сўраймиз.*

**Қ. ДАВЛЕТОВ,**  
Хоразм вилояти, Урганч тумани, Мунис Хоразмий номидаги жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 19 августдаги фармонини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 2 октябрда чиқарган 455-сонли қарори-

да таъкидланишича 18 ёшгача етти ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган оилаларга улар яшаб турган уйлари қайси идорага қарашли бўлганлигидан қатъий назар бепул мулк қилиб берилди.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг йўриқчиси Шовкат Қўшоқов жавоб беради.

*1981 йилдан буён хўжаликда чўпон бўлиб ишлайман. Оиламиз билан давлатга қарашли коттежларнинг бирида яшаймиз. Шу уйни бепул хусусийлаштириб олиш тўғрисида биз чўпонларга ҳам тааллуқли имтиёзлар борми?*

**У. САИДОВ,**  
Сирдарё вилояти Ҳовос туманидаги Ж. Усмонов номидаги ширкат хўжалиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 январдаги «Яйлов чорвадорлиги ходимларини ижтимоий ҳимоялашнинг кўшимча чоралари тўғрисида»ги фармонининг 4-бандига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ижроия кўмиталари, жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик кор-

хоналари узлуксиз иш стажини 5 йилдан кам бўлмаган республикамиз яйлов чорвадорлиги, қоракўлчилик ва қўйчилик хўжаликлари ходимларига улар яшаб турган давлат, уй-жой жамғармасига қарашли уйлари бепул хусусийлаштириб топширишлари кўрсатилган.

Сизнинг узлуксиз иш стажингиз 12 йил бўлганлиги учун ушбу фармон сизга ҳам тегишлидир.

● САҲИФАНИ МУҲБИРЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ ТАЙЁРЛАДИ.

# ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН

*Кейинги икки йилда Оқолтин районида ишбилармонликнинг натижалари кўзга ташланиб қолди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга хизмат қиладиган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда, қўшимча даромад келтирадиган қатор корхоналар, цехлар ишга тушяпти. Қурилушлар кўлами кенгайди. Одамларни тўйдирадиган, турмушдаги танқисликни юмшатадиган кўплаб бу ўзгаришларни республика истиқлоли билан, шунингдек, район ҳокими Абдуразоқ Қаюмовнинг тадбиркорлиги билан боғламоқда.*

## Арпапахта

ТУМАН давлат назорати раҳбари Раҳматулла Нормуродов «арпапахта-ни кўрасизми?» деб сўраганида ажабландим. Собиржон Сиддиқов номидаги давлат хўжалигига бориб, Йигитали Шокиров бошқарувчи бўлган 5-бўлимнинг Каримжон Холмирзаев бошлик бригадасида тўхтадик.

— Арпапахта мана шу,— деди ҳамроҳим. Октябрь ойининг биринчи кунини эди. Пахта ҳали очилмади, лекин тўқ кўсақлар очилай деб тиш ёриб турибди. Ҳосил ўртача, ҳар туп кўчатда 8—10 тадан тўлишган кўсақ бор.

Бу майдон ўн гектар. Шу ернинг арпаси 14 июнда йиғиб олиниб, 15 июнда чигит экилибди. Агар куз яхши келса, 25 центнерлик ҳосил ҳам чегара эмас. Бригада саркорининг ҳисоб-китобига қараганда 15 тонна ҳосил олинганда ҳам, жамоа бундан бир ярим миллион сўмлик қўшимча даромадга эга бўлади.

Бу йилги «арпапахта» яхши самара берса, келгуси йилда 3000 гектар ерга шу усулда чигит экиш мўлжалланаяпти. Насиб бўлса, мазкур синов натижалари ҳақида кейинроқ муштарийларни огоҳ қилармиз. Яқин қандай бўлишидан қатъий назар Оқолтин туманида дадил экспериментлар олиб борилаётганини, ишбошилар янгилликка ғоят ўч бўлиб қолишганини табриқлаш лозим. Чумчуқдан қўрққан эса тарик ҳам экмайди, ҳосилдан ҳам қуруқ қолади.

## Бегмат фермер

ТУМАН банкида Бегмат деб аталган фермерлик хўжалигининг ўз ҳисоб варақаси очилибди. Суриштириб билсак, бу фермер Бегмат ота Жайноқовнинг ташаббуси экан. У киши «Андижон» давлат хўжалигида узоқ йил ишлаб пенсияга чиққан эди. Кейинчалик ташлаидиқ бинолардан бирини олиб, мол ва қўй боқа бошлади.

Ҳозир қорамоллар 80 бошга, соғин сигирлар 30 бошга, қўйлар 50 бошга етибди. Кичик фермада яна 9 бош от, 5 бош ангор эчки ҳам бор. Бегмат ота шу йилнинг биринчи октябригача 55 тонна суг, саркам 7 тонна гўшт, анчагина жун етиштирибди.

Агар фермер хўжалигининг ибратли томонлари бўлмаганда, биз унга бунчалик эътибор бермас эдик. Бегмат ота Жайноқов янгилликка ўч одам бўлганидан 1992 йил май ойида Андижондан 52 минг сўмга 80 минг дона чувалчанг сотиб олди. Эндиликда фермер хўжалигининг чувалчанг тахминан 50 миллион донага етди. Бегмат ота бу йил уларнинг 13—15 миллион донасини бошқа хўжаликларга сотмоқчи. Ҳозирги баҳода чувалчангнинг бир донаси икки сўм, ота эса бир сўмдан сотишга рози. Шунинг ўзи унга тахминан 15 миллион сўм даромад келтиради.

Юқорида беш бош ангор эчкини бежиз тилга олмадик. Ота келгусида уларни кўпайтирмоқчи. Биз унга бу турдаги эчкилар фақат тоғли жойларда яхши ўсиши ва майин жун бериши ҳақидаги ганини эслатдик.

— Фақат ўлимга чора йўқ,— деди ота.— Тўғри биринчи наслнинг жунини салгина дағал бўлади. Иккинчи насл тоғ эчкиларидан фарқ қилмайди. Фақат улар қўйतिकондан эҳтиёт қилинса бас. Бу ернинг иссиқ ҳавосига ҳам кўникиб кетади.

Бегмат ота яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўзи сошлаб олган ферманинг орқасида 5 гектар ташландиқ ер бор эди. Бу ер ахлатхонага айланганди. Бегмат ота уни тозалашга кўп куч сарфлади. Охири анча тозалаб олиб, мева кўчатлари экди. Бу йил 5 гектар бог текис мевага кирди. Ота унинг ҳосилидан «Андижон» давлат хўжалигидаги учта богчани қишин-ёзин таъминлаб турмоқчи.

Айтмоқчи, мева дарахлари орасида пахта ҳам етиштирипти. Бу йил 30 центнердан, жаъми 15 тонна пахта олишни мўлжаллаб турибди. Бундан 5 тонна тола олинса, етти ярим миллион сўм қўшимча даромад келади. Ота ана шу ишларнинг ҳаммасини ҳеч кимдан ёрдам сўрамай бор-йўғи олти киши билан ундашмоқда. Бу кишилар ҳам бегоналар эмас, ўз фарзандлари.

Агар ҳамма Бегмат отага ўхшаб ишчан ва тадбиркор бўлса, республиканинг оstonаси олтиндан бўлиб кетарди. Отадан ибрат-олинг, одамлар.

## Тошбақа доллар келтиради

«ҲИСОР» кичик корхонаси энди катта корхонага айланди. Шу сабабли уни кўптармоқда агросаноат ишлаб чиқариш жамияти деб атай бошлашди. Усмон Юсуфов номидаги давлат хўжалиги худудиде жойлашган бу корхонага Абдуназар Мирзаев раҳбарлик қилади.

«Ҳисор»ни кўп тармоқли корхона дедик. У тўрт йўналишда иш олиб борапти. 100 гектар ерда бог яратди. Унинг ҳосилини сақлаш, қайта ишлаш мақсадида йирик омбор қуриляпти. Бино асосан битди. Бу бино ичига мева ва сабзавотни қуриладиган ускуна ўрнатилган. У ишлаб турибди. Цех ҳар кунини 500 килограмм маҳсулот беради. Кейинчалик омборхона тепасига ошхона ва чойхона қурилади. Уларга керакли озик-овқат маҳсулотларининг деярли ҳаммаси «Ҳисор»нинг ўзида етиштирилади.

А. Мирзаев олти ярим гектар ерда сунъий кўл барпо этиб, ўтган йили бир тонна 20 граммлик балиқчалар ташлаган эди. Бу йилги мустақиллик байрамида биринчи марта «Ҳисор» балиғи аҳолига совға қилинди.

Мирзаевнинг режалари катта. Шу кўлга 10 минг дона ўрдак келтирмоқчи. Дастлаб 10 жуфт ондатра ташланади. 2—3 йилда уларнинг сони бир неча минг дона бўлиб кетади. Чунки ҳар бир ондатра бир йўла 18 тагача болаши мумкин.

«Ҳисор»нинг юз гектар пахта майдони ҳам бор. Бу ерлардан яхшигина ҳосил олиниши мўлжалланмоқда.

Энг истиқболли соҳа — тошбақалик. Ҳозир «Ҳисор»да 4200 дона тошбақа бор. 1994 йил кузида 6—7 минг дона тошбақани хорижий мамлакатларга сотиш режалаштирилган. Мах-

сулотга Франция, Гонгконг, Хитой, Польша сингари мамлакатларда талаб катта. Дастлабки тошбақалар Францияга жўнатилади. Албатта, улар доллар ҳисобида сотилади.

## Абдураим тадбиркор

СИДДИЕВНИ шундай деб аташади. У киши Зоминдан келиб Сардобада кичик цех очди. Барча асбоб-ускуналарни ўз пулига сотиб олиб, консерва цехига асос солди.

Цехда 6 киши ишлайди. Улар олма, ўрик, олхўри, беҳи, помидордан бир литрлик идишларда консервалар тайёрлашапти.

— Иш унуми қанақа?— сўраймиз Абдураим Сиддиевнинг ўғли Шўхрат Сиддиевдан. У жавоб беради:

— Ҳар куни ўртача 500 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашмиз.

— Йил бошидан бери-чи?

— Бир қисми ҳали харидорни кутяпти. Ҳаммаси бўлиб 40 минг банка консерва тайёрлаб қўйдик.

— Одамлар сотиб олишяптими?

— Албатта. Биз маҳсулотни анча арзон нархда сотамиз. Шу сабабли харидорлар кўп.

## Каррера истиқболи

ИТАЛИЯНИНГ «Каррера» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган бу корхонани кўплар «Оқолтин» фабрикаси деб аташади. Фабрика директорининг ўринбосари Галина Александровна Ли гапларига қараганда ҳозир корхона кунига 1500 дона шим ишлаб чиқармоқда. Немча, плаш сингари маҳсулотлар ҳам харидоргир бўлиб қолди.

«Оқолтин» фабрикаси бу йил 3 миллиард сўмлик маҳсулот беради. Унинг маҳсулотларини сотиш учун Гулистон шаҳрида маҳсул дўкон очилган. Бундай дўконлар Бухоро, Навоий сингари шаҳарларда ҳам бор. Шуниси эътиборга лойиқки, фабрика маҳсулоти Италияда ярим тайёр ҳолда тайёрланиб, «Оқолтин»да тикишяптиганига қарамай италияликлар уларни сотиб олиш истагини билдирмоқдалар. Ҳар бир шим у ерда 15 долларга сотилиши мўлжалланмоқда. Жўлпон Жалаева, Ҳалима Маҳмудова, Лариса Ви сингари тикувчилар «Оқолтин» маҳсулотининг харидоргир бўлишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

1 октябрдан бошлаб ҳар бир тикувчининг ўртача иш ҳақи 70—80 минг сўм бўлади дейишди. Ҳозирча Каррера Оқолтиндан пахта толасини олиб келиб, уни Италияда ип қилиб йиғирмоқда ва мато қилиб тўқимокда. Би-чиги ҳам Италияда бажарилади. 1996 йилдан бошлаб бу ишларнинг ҳаммаси Италияда эмас, ўзимизда амалга оширилади.

Биз Оқолтин районида бошланган катта ишларнинг бир қисмини қаламга олдик, холос. Энг қувончлиси шуки, амалга оширилаётган хайрли ишлар, тадбиркорликлар одамларда эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашпти. Туман пахтакорлари бу йил 70 минг тонналик хирмонни мўлжаллаб меҳнат қилмоқдалар. Шу мақсадда йилнинг-теримдан олдин мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Бу шартга кўра туман ерлари учта кичик худудга бўлинди. Масалан, биринчи худудга ерни анча яхши, ҳосилдорлик юқори хўжаликлар қиради. Агар бу худуддаги хўжаликлар пахтадан 33, маккажўхоридан 60 (соф дон ҳисобида) центнердан ҳосил олишса, хўжалик бошлиғига ГАЗ-31 «Волга» енгил автомашинаси бепул хўжалик ҳисобидан берилади. Бўдимлар, бригадалар, учун ҳам турли хилдаги автомашиналар ва пул мукофотлари бериш кўзда тутилган. Масалан, «Фаргона» давлат хўжалиғи мусобақа шартини бажарган бригадага 3 миллион сўм мукофот беришга қарор қилди.

70 минг тонна «оқолтин» хирмони бунёд этишда туман меҳнаткашлари куч-қувват, улкан мукофотлар эгаси бўлишда илгорларга омад тилаймиз.

Саминжон СУЛТОНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ОЛДИНДА ЧИРОҚЛАР БОР

«Ҳар ҳолда олдинда чироқлар бор» деган экан буюк адиблардан бири. Ҳақиқатан ҳам ўсиб-унмоққа ўзини даъват этган гиёҳ қуёш сари интилангидек инсон ҳам ёруғлик сари интилишда доим. Эртанги куннинг порлок дамларини кўсаб, олий мақсад, эзгу ният билан яшайди у. Мустақил юртимизнинг каттаю-кичик ахли мураккаб даврнинг энг оғир дамларини бошдан кечириб, барча қийинчиликларни мардона енгиб, мустаҳкам оёкка туриб олганлиги бугун маълумдир. Энди эса у дадил одимлар билан олға интилоқда. Эртанги кунларни яқинлаштириш учун астойдил курашмоқда. Буни Ўзбекистонимизда юз бераётган ҳар бир янгиллик, ҳар соатда тугилаётган серхосият тадбирлар тимсолида кўриш мумкин. Куникча пойтахтимиз марказий кўчаларидан биридаги кўркям бино олдида осмон сари бар ёйиб ҳилпирай бошлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мовий ранг байроғи ҳам худди ана шундай янгилликлардан биридир. Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг республикамиздаги элчихоналари вакиллари иштирокида жаноб Холид Малик бошлик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасининг тантанали равишда очилиши бўлди. Жаноб Холид Малик бу шодиёна маросим пайти сўзлаган нутқида мустақил Ўзбекистоннинг обрў-эътибори бутун дунёда кундан-кун ошиб бораётганлиги ва жаҳон халқлари ўзбеклар юртининг мустақиллигини ҳақли равишда тан олганлигини далолат эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

Юртбошимиз Ислон Каримов эса Бирлашган Миллат Ташкилоти ваколатхонасининг Тошкентда ташкил топиши биз учун катта тарихий воқеа эканлигини, бу ўз навбатида умумжаҳон ташкилоти тuzилган кунга тўғри келганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ ҳодиса бўлаётганлигини эътироф этди. «Ўзбекистон ҳам-жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳозирги жўшқин, зиддиятли даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дунёда тинчлик ва ҳавфсизлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди» деди у. Дарҳақиқат, азалий эрксевар миллатпарвар халқимиз ҳар қандай яхши ният билан амалга оширилган, ҳосиятли тадбирларни бажонидил қўллаб-қувватлаб, эъзозлаб келган. Чунки у давлатлараро осойишталик ҳукм суришини, ҳамма халқлар бир-бири билан аҳил ва иноқ яшаб, тўқин-соқин, серхаловат турмуш кечиришини истайди. Шунини орзу қилади доим, шунга интилади. Бу йўлдаги олийжаноб ишларни амалга ошириш учун астойдил курашади. Чунки ҳар қалай олдинда чироқлар борлигига ишонади у.

«Ишонч»нинг махсус мухбири.

## ТАМАЛ ТОШИ КЎЙИЛДИ

КИМКИ яхши ният билан иморат учун тамал тоши қўяр экан, у ўзидан абадул-абад ўчмас ном қолдиради. Чунки даврлар ўзгаради, бир авлод ўрнига иккинчиси, учинчиси келади. Замонлар ўтади. Аммо мустаҳкам қад тиклаган иморат асрлар оша кўрк, салобат тўқиб тураверади. У билан бирга унинг ижодкори номи ҳам. Ана шундай тилак, орзу билан ўтган чоршанба кунини «Ўзбекистон электр аппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бағри кенг ҳовлиси саҳнида «Дил» деб аталадиган янги театр биноси пойдеворига тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди. Маросим Тошкентда «Театр» Шарқ-Фарб» фестивали ўз иштини қизғин давом эттираётган кунларга тўғри келганлиги учун унда фестивал қатнашчиларидан Англия, Олмония, Япония, Италия, Швеция, Гонгконг мамлакатлари ва шунингдек яқин қўшни мустақил давлат театрлари арбоблари иштирок этдилар. Дарвоқе, «Ўзбекистон электр аппаратлари» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мазкур санъат байрамини ўтказиш фаолларидан бири ва асосий ҳомийларидан ҳисобланади. Маросим қатнашчиларини Ўзбекистон театр арбоблари жамияти раиси Бернора Қориева билан бирлашманинг бош директори Абдуманноп Алимбоев чин дилдан табриқлаб, яқин йиллар ичи жамоалар кўрсатадиган янги театр биноси пойдеворига биринчи тамал тошини қўйдилар. Шундан сўнг меҳмонлар бирлашма театрининг артистлари ижросида В. Шекспирнинг «Ричард III» асарини асосида тайёрланган янги спектаклдан парча томоша қилишди. Мазкур спектакл тўлалигича кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик катта театри саҳнасида намойиш этилди.

«Ишонч»нинг махсус мухбири.



## БИЛИМЛАР СИНОВИ

*Республикамиз мустақиллиги жуда кўп соҳаларда янги, қулай йўлларни очиб берди. Энг муҳими келажак равнақи учун замин бўладиган асосий ўзгаришлардан бири, олий ўқув юргларига абитуриентларни тест синови бўйича танлаш бўлди. Ҳали янги бўлган бу усулни амалга ошириш, абитуриентларни унга тайёрлаш анча мураккаб бўлсада, ҳақиқий ва тўғри йўл, деб баҳоламоқда Шундай экан, бу йилги қабул якунларининг муваффақияти, айниқса, вилоят олий ўқув юрглариининг бу борада олиб борган фаолиятларига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.*

*Бухоро Давлат Университетининг қабул бўйича масъул котиби К. Умаров билан олиб борган суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда бўлиб ўтди.*

— Каромат Умарович, мана иккинчи йилдирки Бухоро Давлат Университетида ҳам талабалар тест синови асосида қабул қилинапти. Дастлаб, ана шу усулнинг устун ва қулай томонлари, янги ўқув йилида аниқланган кўрсаткичлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат, ўтган ўқув йилида университетимиз ҳам тажриба сифатида 12 та ихтисослик бўйича тест синови ўтказиб, 539 нафар талабани шу асосда қабул қилган эди. Бу усул ўзини тўлиқ оқлади. Улар ўқув йили давомидида рейтинг ва колокиум орқали синовлардан ўтказилиб турилди. Шу сабабли талаба ҳам, ўқитувчи ҳам доимий изланиш, жиддий меҳнат қилишга ҳаракат қилди.

1993/94 ўқув йилидан бошлаб эса, республикадаги ҳамма ўқув юрглари катори Бухоро давлат университетида ҳам барча ихтисосликларга талабалар тест синови бўйича қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги томонидан янги ўқув йили учун БДУ га 24 мутахассислик бўйича 975 (шундан 100 нафари сиртки бўлимга) талаба қабул қилишни режалаштирилган эди. Биз ана шу кўрсатмага асосан, ҳужжат топширган 3 мингга яқин абитуриентдан энг юқори балл тўплаганларни талабалikka қабул қилдик.

— Маълумки, тест синови билан имтиҳон топшириш кўпчилик учун ҳали нотаниш. Жумладан абитуриентларнинг ўзи ҳам яхши тушунмаслиги туфайли ҳайкиб туришади. Университет қабул комиссияси бу борада қандай ишлар олиб борди? Умуман, абитуриентни тест имтиҳонларига тайёрлаш хусусида тўхталиб ўтсангиз?

— Бу табий ҳол. Шу боис асосий

диккатни абитуриентларга тест синовларини тўлиқ тушунтиришга қаратдик. Уларга қулайлик яратиш мақсадида тест бурчаги тахтаси ташкил этилди. Қабул ишлари бўйича ахборот, ҳужжатлар намунаси, маслаҳатлар ижодий имтиҳон ихтисосликлари бўйича дастур ва жадваллар тузилди. Бундан ташқари, қабул комиссияси қоида тест синови қондаларини ўргатиш методик маркази ва ўқув консултация марказлари ташкил этилди. Абитуриентларга кодлар ва фанлар блоқи топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ва уларни расмийлаштириш тест синови ўтказиладиган бино ва хоналар чизмаси ҳамда уларга кириб-чиқиш йўллари титул ва жавоб варақаларини тўғри тўлдириш ҳақида маълумот бериб борилди. Хуллас, абитуриентнинг имтиҳонга кирган вақтида шу каби ташкилий томонларга орқича вақт сарфламаслиги учун бутун чоралар кўрилди.

— Каромат Умарович, мана ниҳоят ишлар якунланиб натижалар аён бўлди. Хўш, университетдаги ҳулосалар сизни қониқтирадими? Қабул қилинган талабаларнинг тўплаган баллари тест қондаларига тўғри кела оладими?

— Албатта. Аввало, биздан кўра ёшларнинг ўзлари кўпроқ қувониб, ҳақиқат йўлининг устунлигига гувоҳ бўлдилар. Чунки, билимга ишонган ўқувчи-абитуриент қатъий умид билан компьютер ҳулосасини кутади. Билими ўртамаёнлари эса нечоғли таҳминий белгиланганларини ҳис қила туриб, фақат омадларини синайдилар. Шу туфайли, уларнинг ҳар бири ўзи кутгандек, дилдан ҳис қилган натижаларга эришди ва биз ҳам албатта ҳақиқий билим тарафдоримиз.

Бу йилги абитуриентлардан 336

киши қондага асосан 50 фоиздан юқори балл тўплаб талабалikka қабул қилинди. Қондага истисно йўли билан эса, яъни 33,4 фоиз балл тўплаган 462 абитуриент ҳам ҳозир талабалар сафида таҳсил олмақда. Шунингдек, 44 абитуриент шартнома бўйича қабул қилиниб, уларнинг харажати хўжаликлар зиммасига юклатилди.

— Кечирасиз, шу ўринда тайёрлов бўлимининг имкониятлари ва қулай томонлари ҳақида кенгрок тўхталишга тўғри келади. Чунки, илгари тайёрлов бўлимига имтиҳон топшириб, тингловчи бўлганлар студент сифатида тан олинарди. Уларнинг талабалikka қабул қилиниши кўпинча шубҳасиз эди. Шунингдек, стипендия, ётоқхона масаласи ҳам муаммо бўлмасди. Эндиги тест синовлари эса, тайёрлов бўлими тингловчиларининг талабалikka қабул қилинишига кафолат бермайди. Боз устига ўзлари пул тўлаб ўқишлари керак. Хуллас, ана шу фарқли хусусиятларга яраша, тайёрлов бўлимининг янги услуби абитуриентлар учун қандай имконият яратишга қодир?

— Ўринли савол. Аммо қувонарлиси шуки, гарчи бозор иктисодиёти, ўтиш даврининг қийинчиликлари сабабли тайёрлов бўлими шундай услубда иш қўришга мажбур бўлса-да, натижа ёмон бўлмади. Унинг тингловчилари сони бир неча баравар ошди. Бунинг боиси бор албатта. Бош сабаб, тайёрлов бўлимига хоҳловчиларнинг барчаси ёши, иш жойидан қатъий назар, суҳбат ва синов орқали қабул қилинади. Уларга гуруҳлар бўйича шароит яратиб 2 сменада ўқиш олиб борилади. Тайёрлов бўлимининг бирдан-бир кафолати ва абитуриентларга яратган имконияти, тест синовларига жиддий тайёрлаш ва пухта билим беришдир.

Биргина мисол: математика ихтисоси бўйича ҳужжат топширган 172 абитуриентдан энг юқори 227,7 балл тўплаган Раҳматуллаев Сарвар, шунингдек, ўзбек адабиёти ихтисослигининг 400 кишилик конкурсидан биринчи ўринни олган Асадов Тўлқин, кишлоқ хўжалиги ва механизация факультетидан Маликов Шавкатлар айнан тайёрлов бўлимида таҳсил олганликлари маълум бўлди. Шунга ўхшаш, 1992/93 ўқув йилида тайёрлов бўлимининг тингловчиси бўлганларнинг 80 фоизи бугун талабалар сафида ўқишни давом эттиришга муяссар бўлдилар. Демак, пул сарфлаб, маънақат чекиб эришилган нарса кадрли бўлар экан.

— Каромат Умарович, сиз қабул бўйича масъул котиб сифатида кўпгина ишлар, ҳаракатларнинг гувоҳи бўлдингиз. Шуларни ҳисобга олиб, кейинги ўқув йили учун қандай таклиф ва истақларни билдирган бўлардингиз?

— Таклифим, мактабларда тест синовининг қонун-қондаларини ўргатиш, у ҳақда маълум бир соатлар ўтказиш лозим. Асосийси эса, пухта билим бериш предметнинг мохиятини тушунтириш, тест услубида синовлардан ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, тайёрлов бўлимлари ҳам бўлгуси талабалар учун яхши пойдевор бўлиши керак...

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Башорат ЖАМИЛОВА,

## САЧРАТҚИ САВОЛЛАР...

*Қадим-қадимларда бир шоҳ ўтган экан. Умри жангу жадалларда, сурҳосур, тўс-тўполонларда ўтадиган олампаҳоҳнинг шодлигидан қайғуси бисёр экан. У бир кун оламга: «Кимки менинг қайғули кунларимда шод этадиган, бахтдан масрур оларимда хушёр қиладиган бир «сўз» топса, унга подшоҳимнинг тенг ярмини инъом этаман», дея жар солибди. Кунлар кетидан ойлар ўтибди. Бу жон қадар «азиз сўз»ни ҳеч бир инсон топа олмади ҳалак эмиш. Бир кун тонг саҳарда олампаҳоҳ ҳузурига бир заргар кириб келибди ва унга бир узук совға қилибди. Подшоҳ эса унга давлатнинг тенг ярмини инъом қилибди.*

*Ҳа, инсон умрининг ярми қувонч, ярми ғам, дейдилар доноларимиз.*

*Ҳурматли ёшлар, заргар узугидаги ҳикматни сизлар қандай таърифлар эдингиз? Жавобингизни кутамиз. Энг яхши, жавоблар саҳифамизда эълон қилинади.*

\* \* \*

**Сиз ҳеч нарса қилгиси келмай, аросатда қолган одамга қандай маслаҳат берар эдингиз?**

**Наргиза Қосимова, Жиззах шаҳри:**

*Инсон бундай аҳволга тушганда, албатта ёлғизликдан қочиши керак. Агар бу инсон кекса бўлса, ёшликдаги энг сўзал дамларини, ўрта ёш кишига фарзандларининг камолини, ўсмирларга албатта ўз тенгдошларидан биророрта дўст орттиришни, агар ёлғиз бўлса, ўз ишига бор вужуди билан шўнғишини маслаҳат берар эдим.*

**Насиба А. Сурхондарё:**

*Йигит бўлса ўзига маҳубба топишни, қиз бўлса бирорта ўзига ёққан йигит билан «дўст»лашишни айтар эдим. Чунки, инсон ҳаётдаги бўшлиқни албатта «муҳаббат» тўлдиради.*

**Дилфуза Жаборова, Гиждувон:**

*Бундай пайтда албатта муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга мурожаат қилиш керак. Улар танга энгиллик бағишлайди.*

**Алишер Восиев Қашқадарё:**  
*Бировга маслаҳат беришдан қийини йўқ...*

**Назира Норжигатова, Ховос:**

*Уша маслаҳатни менга беринг... Мавжуда А, Наргиза Ж. Тошкент шаҳри:*

*Ўзингизга ёққан мусиқани тингланг, кўпроқ ширин хаёлларга берилинг.*

**Ботирали Ҳайдаров, Сирдарё:**

*Инсоннинг бундай аҳволга тушиб қолишига унинг ўзи айбдор албатта...*

**Баҳодир Жалилов, СамДУ талабаси:**

*Ҳаётда ҳар кимнинг ўзи ҳавас қилган машҳур кишиси бўлади. Уша ҳавас қилган кишининг танг аҳволларда қандай йўл тутганини эслаб, ундан ибрат олишга интилинг.*

**Ҳафиза Баҳром кизи, Булунгур:**

*Менимча, ҳар бир одам комилликка интила бориши керак. Комилликка интилаётган одамнинг бағри кенг, ҳаёти маъноли, умри боқий бўлади...*

**Ёшлар билан САРОЙМУЛК суҳбатлашди.**

## ОРЗУИМ УШАЛДИ

**ШАҲАР** кўчаси бўйлаб таҳсилга ошиқайтган юзлаб ёшлар орасида бораётганидан тўлқинланиб кетаман. Ахир мана шундай бахтли ва саодатли кунни қанчалар орзу қилардим. Қишлоғимиздаги ўрта мактабда эълмо баҳолар билан ўқир эканман, албатта олий ўқув юртига бораман, дея ният ўйлардим. Ниҳоят, Ф. Ғулом номидаги Сирдарё Давлат Университети талабаси деган номга сазовор бўлдим.

Асрий чўл ўрнида қад ростлаган университетнинг қиёфаси ҳавас қилса арзигulik. Мен таҳсил кўраётган табиатшунослик (агрохимия) бўлимида ўз соҳасининг чинакам фидойилари, малакали ўқитувчилар мазмунли ва мароқли сабоқ бермоқдалар. Республиканинг турли вилоятларидан ўқишга келган С. Умарова, Г. Йўлдошева, М. Қозоқова, М. Қаландарова сингари қизлар билан аллақачон дўстлашиб кетдик.

Мен бир нарсадан хурсандман ва тест асосида имтиҳон топшираётганимда шу туйғуни ҳис қилдим: агар чинакам билимингиз бўлса албатта ниятингизга етасиз экан. Ҳамма орзу-ниятнинг, эгаллаётган касб-ҳунаримизнинг калити бу — билим эканини тушундим.

Университет йўлларидаги дастлабки ишончли қадамларнинг қутлуғ бўлмоғини, истақлар қанот қоқмоғини жуда-жуда хоҳлайман...

**Мақсуда НАЗИРҚУЛОВА, Ғ. Ғулом номидаги Сирдарё Давлат университетиининг 1-курс талабаси.**

## ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

Менимча ёшларни энг қизиқтирадиган нарса — «севги-муҳаббат» ҳақидаги ўй-фикрлар, шеър-мақолалар ҳисобланади. Сизлар бунга кам эътибор берасизлар.

**Жаҳонгир САТТОРОВ, Хоразм вилояти.**

Салом «Ҳилол». Саҳифаларининг онламин билан қизиқиб ўқиб чиқамиз. Баҳаларинг истағу-уйларинг бизни безътибор қўймайди. Ун-

да қатнашаётган ёшларнинг дадил фикрлари, ўз сўзлари бор. Айниқса, одоб-ахлоқ ҳақидаги берилаётган мақолалар жуда ўринли. Чунки ёшлар одобни ҳақида уларнинг ўзлари сўзлагани маъқул. Истардикки, бундай мақолаларга кенг ўрин берсанг.

**Н. ИСКАНОВА, Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Зарафшон жамоа хўжалиги.**

Саҳифани Зебо АҲРОРОВА тайёрлади.



